

# **Давлат фуқаролик хизматчилари учун навбатдаги “Сиёсий-маърифат соати” ташкил этилди**



Ушбу ўқув Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, унда вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, барча туман, шаҳар ҳокимликлари ходимлари иштирок этишди.

Ўқув соатида спикерлар бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб бўлган қуидаги масалаларга тўхталиб ўтишди:

Истиқлолнинг 30 йиллиги: натижалар ва келажакдаги мэрралар;

Президент сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишдаги очиқлик ва ошкораликни таъминлаш масалалари;

Маҳорат мактаби, матонат мактаби бу;

Хуқуқий саводхонлик (ҳафта давомида қабул қилинган долзарб меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти).





